

UNITED NATIONS CONFERENCE ON TRADE AND DEVELOPMENT

25-26 May 2021

National Virtual Training on

Training on International Certification, Standards and Quality in the Dried Fruit Value Chain

25-26 май 2021

“Озиқ-овқат савдоси барқарор ривожлантириш учун Ўзбекистоннинг қурилган мевалари қиймат занжирининг интеграциясини ривожлантириш”

Presentation on:

Global GAP – International Standard requirements on Fruits and Vegetable Production (2)

By

Lenur Eredjepov, Inspector –Consultant, AgroFoodChain LLC

“These training materials were elaborated and employed by UNCTAD consultants during the training event. The opinions and content of these training materials are exclusively those of the authors and do not necessarily reflect the views of the United Nations”

Махсус ҳимоя кийимлари ва аслаҳа-анжомлар





ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ

Чиқиндилар турлари ва ифлосланиш манбалари

Чиқиндилар турлари	Манбаси
Яроқсиз, шикастланган, бузилган мевалар	Боғлар/далалар Маҳсулотларни сақлаш омборхоналари
Пластмасса идишлар, шиша идишлар, пакет (қоғоз ва пластик) лар, ўғит қоплари ва пестицид идишлари	Ишчилар Ўғитларни сақлаш омборхоналари Пестицидларни сақлаш омборхоналари
Яроқсиз қутилар, яшиклар	Боғлар/далалар
Темир, шиналар, мой, нефт маҳсулотлари	Автотранспорт, Қишлоқ хўжалиги техникалари
Картон, қоғозлар	Маҳсулотлар учун қадоклаш материаллари
Шишалар ва ойнаклар	Ишчилар, омборхоналар

АФ 6.2.2 Ишлаб чиқариш ва сақлаш жойлари яқинида чиқиндилар / ахлатларнинг мавжудлиги тақиқланади. Белгиланган жойларда тасодифий ва аҳамиятсиз ахлат, шунингдек, фақатгина иш кунида ҳосил бўлган чиқиндиларга йўл қўйилади. Бошқа барча ахлат ва чиқиндилар, шу жумладан тўкилган ёқилғи, юқ қилиниши шарт.



АФ 6.2.3 Ёқилғи омборлари маҳаллий қонунчилик талабларига жавоб бериши шарт. Ноқонуний оқиб, сизиб кетишини олдини олиш учун қоидалар мавжуд бўлмаганда, минимал талаб - сув ўтказмайдиган ўралган цистерларни ташкил қилиш, 110% сиғимга эга бўлган цистерна ва махсус атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зоналарида - худди шу каби жойлар, аммо 165% сиғимга эга бўлган цистерна ўрнатиш. Яқин атрофда чекиш тақиқловчи белгилар ва ёнғинга қарши курашиш воситалари бўлиши керак.



АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ


Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги ерларида яшаш муҳитини яхшилаш ва биологик хилма-хилликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси бўлиши керак

№	Вазифалар	Чора-тадбирлар	Муддати/ Такрорланиши	Маъсул шахс
1	Ўсимлик дунёсини сақлаш	1) Иложли борича дарахтлар ва буталарни кесишдан сақланнг; 2) Қўшимча декоратив ва мевали дарахтлар экиш; 3) Алмашлаб экиш.	доимо	Ҳамма ходимлар
2	Ҳайвонот дунёсини сақлаш	1) Ишчилар томонидан ёввойи ҳайвонларни ов қилиш ва тутишни тақиқлаш; Зарур бўлганда тўсиқлар ўрнатиш; 2) Ёввойи ҳайвонларнинг яшаш жойларини кераксиз бузилишининг олдини олиш; 3) Қушхоналарни ўрнатиш; 4) Кўчиб юрувчи қушларнинг мониторинг қилиш	доимо	Ҳамма ходимлар
3	Тупроқни сақлаш	1) Органик ўғитлардан фойдаланиш ва зараркунандаларга қарши кураш	Зарурат бўлганда	Агроном

ЕРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ



1. Тупроқдаги озуқа моддаларининг таркибини таҳлил қилиш
2. Экиладиган экинларнинг озуқавий эҳтиёжларини ҳисоблаш
3. Экинларни етиштириш бўйича адабиётлар



Ҳар бир участканинг тупроқ турларини аниқланиши



Алмашлаб экиш дастури

Ўғитлаш бўйича хужжатлаштириш

СВ 4.2.1 - СВ 4.2.6 Тупроқни ўғитлашнинг барча далиллари ва барглардан қўшимча (органик ва ноорганик) ўғитланганлиги тўғрисидаги хужжатлар қуйидаги маълумотларни акс эттирилиши шарт (органик ва ноорганик):

- СВ 4.2.1 Дала, боғ ёки иссиқхона ва ҳосилнинг жойлашган жойи
- СВ 4.2.2 ўғитлаш саналари
- СВ 4.2.3 Сепилган ўғитларнинг турлари ва концентрацияси
- СВ 4.2.4 Сепилган ўғит миқдори
- СВ 4.2.5 Ўғитлаш усули
- СВ 4.2.6 Ўғитлаш ишларини бажарган ишчилар тўғрисидаги маълумотлар






«Ўғитлардан фойдаланиш» Журнали

«Ўғитлардан фойдаланиш» журнали

Жойла- шуви	Маҳсулот тури	Сана	Ўғит тури	Концентрац ия	миқдори	Ўғитлаш тури	Бажарув чи
<i>A1</i>	<i>Брокколи</i>	<i>08.09.20</i>	<i>Карбамид</i>	<i>N 46,2%</i>	<i>18 кг/га, 150 кг</i>	<i>томчи сугориш</i>	<i>Очилов А.</i>


ЎҒИТЛАРНИ САҚЛАШ





СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

СВ 5.1.1 Кундалик амалиётда экинларни суғоришга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш учун режалаштириш усулларида фойдаланиш керак. Ишлаб чиқарувчи ҳақиқий маълумотлардан (масалан, маҳаллий қишлоқ хўжалиги илмий марказлари маълумотлари, ёмғир ўлчагич сенсори, субстратда ўстириш учун сув қочирадиган (ёки чиқарадиган) тарнов, буғлар, тупроқ намлигини фоизда ўлчайдиган ўлчаш мосламалари) фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларнинг мавжудлигини исботлаши мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхонасида бундай воситалар, мосламалар мавжуд бўлса, уларни техник жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш керак.



Сувдан фойдаланиш режаси.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖАСИ

№	Экинлар номи	Суғориладиган майдон, га		Суғориш усули		Суғориш сони	Суғориш нормаси, м ³ /га	Кўрсаткичлар	Ойлар								Умумий сув истеъмоли, м ³
		Экиш	суғориш	Канал	томчилатиб				март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	
1.	Помидор	0,1 га	1 га	Х		3	14	Суғориш рақами		1		2		3			29,4
								Майдон , га		0,1		1,0		1,0			
								Сув истеъмоли, м ³		1,4		14		14			

СУВ СИФАТИ



**Тозаланмаган оқава
сувлар суғориш ёки
ўғит билан суғоришда
ёки ўрим-йиғим
олдидан бошқа
тадбирларда
фойдаланилмаслиги
керак**



**Сув сифатига оид
хавф-хатарларни
баҳолаш**



Сув таҳлили



КЎЧАТЛАР ВА УРУҒЛАР

Агар ўруғлар ёки кўчатлар сўнги 24 ой ичида сотиб олинган бўлса, уларни рўйхатдан ўтказиш (агар мамлакатда навларни мажбурий рўйхатга олиш тартиби мавжуд бўлса) тўғрисидаги қонунчилик бу навларнинг келиб чиқишининг мувофиқлиги тўғрисидаги далиллар бўлиши шарт. Қуйидаги маълумотлар тўпламига эга бўлган хужжатлар (масалан, ўруғ қутиси, ўсимлик паспорти ёки ҳужжат варақаси/фактура): навлар, партия (тўпи) рақами, ўруғлик материалларини етказиб берувчини номи, шунингдек (агар мавжуд бўлса) ўруғлик сифати ва униб чиқиши, генетик ва жисмоний тозаллиги, саломатлиги ва бошқалар тўғрисида қўшимча маълумотлар бўлиши керак.






Генетик Модификацияланган Организмлар (ГМО)

Ўзбекистон Республикасида Генетик Модификацияланган Организмларни ишлатиш ва олиб кириш - олиб чиқиш, шунингдек ГМОларни яратиш ва улардан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни баҳолаш асосларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш асосларини ва қонунчилик базасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Геномика ва Биоинформатика Маркази ГМО ва уларнинг маҳсулотларини таҳлил қилиш бўлими томонидан амалга оширилади (<http://genomics.uz/>)



ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ (IPM)

Профилактика (касалликларни олдини олиш тадбирлари)



ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ (ІРМ)

Назорат



Контроль

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ (ІРМ)

Аралашув

Агар иложи бўлса,
кимёвий усулсиз
усулларни кўриб
чиқиш керак



Вмешательство

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ (ІРМ)



ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ (IPM)



ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

СВ 7.1.1 Хўжаликда GLOBALG.A.P. стандартларига мувофиқ етиштирилган экинлар учун ҳозирги вақтда ёки охириги 12 ойда ишлаб чиқарувчи мамлакатда фойдаланиш учун рўхсат берилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари (фаол моддаларни ёки фойдали организмларни кўрсатувчи) нинг савдо белгиларининг рўйхати бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасида рўхсат берилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати.

Ўзбекистон Республикасида рўхсат берилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Кимёвий моддалар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича давлат комиссиясининг веб-саҳифасида (<http://ximkomissiya.uz/page/drug>), Европа Иттифоқи мамлакатларида-Европа Комиссиясининг веб-саҳифасида (<http://ec.europa.eu/food/plant/pesticides/eu-pesticides-database/>) эълон қилинган

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИМЁЛАШТИРИШ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ
(ДАВЛАТ КИМЁ КОМИССИЯСИ)

ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОМИССИЯ ПО СРЕДСТВАМ ХИМИЗАЦИИ
И ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
(ГОСХИМКОМИССИЯ)


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎСИМЛИК
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ, КАСАЛЛИКЛАРИГА
ВА БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ФОЙДАЛАНИШ
УЧУН РУХСАТ ЭТИЛГАН КИМЁВИЙ
ВА БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ,
ДЕФОЛИАНТЛАР ҲАМДА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ
ЎСИШИНИ БОШҚАРУВЧИ ВОСИТАЛАР

РЎЙХАТИ


"Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан Фойдаланиш " журнали

Экинлар номи	Сана	ЎХҚВ номи (савдо белгиси)	Ишлов беришни бошланиш ва тугаш вақти	Фаол моддаси	Қўлланилаётган ЎХҚВ миқдори	Ишлатилган асбоб- ускуналар ва жиҳозлар	Қўлланилиши учун асос	Об-ҳаво шароити	Ўрим-йиғимгача бўлган оралиқ	Оператор (бажарувчи)	ЎХҚВ фойдаланишга ваколатли шахс
Шафтол и	15.07.2020	ТОПАЗ	19:00- 05:30	Пенконазол	0,4 л/га, 800 л/га, 1200 л	Сепгич GUCSAN	Ун шудринг, мева чириши	Очик, шамолс из	20 дней	Очилов А.	Саидов Б.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш



Ўсимликларни қимоя қилиш воситаларини сақлаш




Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш



Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш



Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш



Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан бўш идишлар



ШИКОЯТЛАР ВА ЭЪТИРОЗЛАР

AF 8.1 GLOBALG.A.P. стандарти томонидан тартибга солинадиган ташқи ва ички жиҳатлар бўйича шикоятларни рўйхатга олиш ва кейинчалик кўриб чиқишни осонлаштирадиган ҳужжатлаштирилган тартибни, шунингдек бундай шикоятлар билан боғлиқ кўрилган чораларни ишлаб чиқиш шарт.

Агар маҳаллий ҳокимият органи ишлаб чиқарувчи (ф/х) га давом этаётган текширув тўғрисида (ёки) сертификатлаштириш бўйича унга нисбатан қўлланилган санкциялар тўғрисида хабар қилса, шикоятлар процедураси сертификатлаштириш органи орқали GLOBALG.A.P. котибиятини хабардор қилишни ҳам ўз ичига олиши шарт.



Шикоят қилиш тартиби

НОМУВОФИҚ МАҲСУЛОТЛАР

Барча мос келмайдиган маҳсулотлар аниқлаб олиниши (идентификацияланиши) ва зарур бўлганда карантин қилиниши кераклигини белгилайдиган ҳужжатлаштирилган тартиб бўлиши керак. Ушбу маҳсулотлар муаммонинг хусусиятига ёки буюртмачи миқдорининг аниқ талабларига мувофиқ ишлов берилиши ёки йўқ қилиниши керак

Номувофиқ маҳсулотларни бошқариш процедураси



САВОЛЛАР



Мы разделяем с Вами ответственность за конечный результат!

ООО «AGRO FOOD CHAIN»

e-mail: chainagrofood@gmail.com

тел: +998909985676

